

<https://hstryres.uz/journal/index.php/makro>

2025, № 4 (10)

ISSN-3030-3761



ТАРИХИЙ ТАДҚИҚОТЛАР
Илмий журнали

ИСТОРИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ
Научный журнал

HISTORICAL RESEARCHES
Scientific journal

ТОШКЕНТ-2025

ТАРИХИЙ ТАДҚИҚОТЛАР
ИСТОРИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ
HISTORICAL RESEARCHES

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Юнусова Хуршида Эркиновна
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосори:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief editor:

Шакиров Ильяс Рахимзянович
т.ф.ф.д., (PhD)
Ўзбекистон Миллий университети

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ
EDITORIAL BOARD

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
тарих фанлари доктори, профессор, Академик
Ўзбекистон Миллий университети
Сулейманов Рустам Хамидович
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Муминов Алишер Гаффарович
Сиёсий фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Зуев Андрей Сергеевич
тарих фанлари доктори, профессор
Новосибирск Давлат университети
Ишанхужаева Замира Райимовна
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Холиқулов Ахмад Баймаҳаматович
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Габриэльян Софья Ивановна
тарих фанлари доктори, доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Убайдуллаева Барно Машрабжоновна
тарих фанлари доктори, доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Очилдиев Файзулла Бобокулович
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Саидбобоев Зокиржон Абдукаримович
тарих фанлари номзоди, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Азизов Илдар Рафаэлович
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби

Сиддиқов Равшан Бердимуратович
тарих фанлари номзоди, доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Тухтабеков Козимбек Азимбекович
тарих фанлари номзоди, доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Бабабеков Акбар Давурбаевич
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Ўзбекистон Миллий университети
Баҳранов Шерзод Таштурсунович
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Жамоат ҳафсизлиги университети
Али Назарова Дилдора Валишеровна
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Холиқулова Шахноза Боймуҳамматовна
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Навоий Давлат педагогика институти
Нормуродов Дилмурод Раҳматуллаевич
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Абдулаева Нигора Санжаровна
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университети
Тоғаев Жасур Эркинович
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Усаров Умид Абдумавлянович
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Эгамбердиева Гузаль Акрамжоновна
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Ўзбекистон Миллий университети
Эшқувватов Бобир Валикул ўғли
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Ўзбекистон Миллий университети

Контакт редакции журнала
Город Ташкент, улица Мирзо Голиба,
Исторический факультет
Национального Университета
Узбекистана имени Мирзо Улугбека
Web: <https://hstryres.uz/journal/>
E-mail: I.Shakirov91@mail.ru
Тел: +998900382203

Contact Editors of journal
Tashkent city, street of Mirzo Golib,
Faculty of history of the National
university of Uzbekistan named after
Mirzo Ulugbek
Web: <https://hstryres.uz/journal/>
E-mail: I.Shakirov91@mail.ru
Phone: +998900382203

МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENT

1. Акрамова Фазилят Артикбаевна ПРОМЫШЛЕННЫЕ КАДРЫ В ФЕРГАНСКОЙ ДОЛИНЕ В СОВЕТСКИЙ ПЕРИОД: СТАНОВЛЕНИЕ И ОСОБЕННОСТИ ПОДГОТОВКИ	7
2. Karimjonov Jasurbek Muxtorjonovich O‘ZBEKISTONDA TARIXIY SHAXSLAR NOMIDAGI MUKOFOTLAR TA‘SIS ETILISHI: TAQDIRLASH JARAYONLARI	16
3. Кобзева Ольга Петровна АКАДЕМИК Э. В. РТВЕЛАДЗЕ - ЖИЗНЬ, ОТДАННАЯ НАУКЕ	25
4. Ктайбеков Саламат Маманович ВОЗРОЖДЕНИЕ ВЕЛИКОГО ШЕЛКОВОГО ПУТИ И НОВЫЙ ЭТАП ВО ВЗАИМООТНОШЕНИЯХ УЗБЕКИСТАНА И ЯПОНИИ	34
5. Mamatqulov Bekzod Sherozovich O‘ZBEKISTON JANUBIY VILOYATLARIDA SANOAT TARMOQLARINING RIVOJLANISHI: TARIXIY TAJRIBA VA NATIJALAR (1925-1991 YILLAR)	45
6. Маматова Махфуза Бахриддиновна ТОРГОВЛЯ ИНДИЙСКИХ ЧАЕВ В СРЕДНЕЙ АЗИИ (ВТОРАЯ ПОЛОВИНА XIX - НАЧАЛА XX ВЕКА)	54
7. Mirzayev Komiljon Mamirjonovich O‘RTA OSIYO ARXELOGIYASI KAFEDRASINING PAYDO BO‘LISHI ZARURIYATLARI	61
8. Мусаев Нуриддин Умирзакович РОССИЯ ҲУКМРОНЛИГИ ДАВРИДА ТУРКИСТОНДА ПАХТАЧИЛИККА ЭЪТИБОРНИНГ КУЧАЙТИРИЛИШИ	69
9. Муминов Алишер Гаффарович., Эрназаров Шермухаммед Эшбекович ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ЙИЛЛАРИ ЎЗБЕКИСТОНДА ТАРИХЧИЛАРНИНГ ФАОЛИЯТИ	83
10. Muxamedov Yoqubjon Qodirovich G‘ARBIY TURK XOQONLIGI VA ERON SOSONIYLARI O‘RTASIDAGI DIPLOMATIK MUNOSABATLAR	91
11. Нарбеков Абдикамил Вафаевич НАСЕЛЕНИЕ УЗБЕКИСТАНА В ПЕРИОД НАЦИОНАЛЬНО-ТЕРРИТОРИАЛЬНОГО РАЗМЕЖЕВАНИЯ В СРЕДНЕЙ АЗИИ	102
12. Назаров Хумоюн Алишерович., Одилова Нилюфар Зоиржон кизи РЕЛИГИОЗНЫЕ ВЕРОВАНИЯ В СЕВЕРНОЙ БАКТРИИ В ПЕРИОД ПРАВЛЕНИЯ КУШАН	116

13. Normurodov Dilmurod Rashidovich IX–XII-ASRLARDAGI TOSHKENT VOHASI (SHOSH-ILOQ)NING SHISHASOZLIGI	132
14. Olimjonov Xabibjon Abduxalim o‘g‘li TURKISTON ASSRDA KUTUBXONA ISHINI TASHKIL ETISH BORASIDAGI CHORA-TADBIRLAR	147
15. Ochildiyev Fayzulla Bobokulovich O‘RTA OSIYO TEMIR YO‘LINING BUXORO AMIRLIGIGA KIRIB KELISHI VA TEMIR YO‘L BEKATLARINING FAOLIYATI	155
16. Rahmonqulova Zumrad Boyhurozovna O‘RTA OSIYO XONLIKLARI VA USMONIYLAR DAVLATI O‘RTASIDAGI IQTISODIY ALOQALAR TARIXIDAN	168
17. Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич ВКЛАД ВЫПУСКНИКОВ КАФЕДРЫ АРХЕОЛОГИИ В ИЗУЧЕНИЕ ИСТОРИИ КУЛЬТУРЫ ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ	178
18. Саипова Камола Давляталиевна УПРАВЛЕНИЕ В ТУРКЕСТАНСКОЙ АСС В ПЕРВЫЕ ГОДЫ СТАНОВЛЕНИЯ СОВЕТСКОЙ ВЛАСТИ	184
19. Сиддиков Равшан Бердимуратович ЎЗБЕКИСТОН ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДАГИ ТРАНСФОРМАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИ: ЮТУҚЛАР ВА МУАММОЛАР	189
20. Tog‘ayev Jasur Erkinovich QADIMGI DAVR ME‘MORCHILIGI TARIXIY REKONSTRUKSIYASIGA DOIR (JANUBIY O‘ZBEKISTON MISOLIDA)	206
21. Тўхтабоева Дилафрўз Эргашевна ЖАҲОН ШАҲАРЛАРИНИНГ ЗАМОНАВИЙ КЎРИНИШИ	214
22. Ubaydullayev Ikromjon Farxod o‘g‘li O‘ZBEKISTON HUDUDIDAGI ANTIK DAVLATLARNING TARIXIY UZVIYLIGI VA RIVOJLANISH JARAYONLARI	219
23. Usarov Umidjon Abdimavlyanovich XIX ASRNING 60–70-YILLARIDA ROSSIYA IMPERIYASINING TURKISTON O‘LKASIDAGI YER EGALIGI VA MULKCHILIK MUNOSABATLARIGA OID SIYOSATI (Rasmiy amaldorlari va ishchi kommissiya vakillarining faoliyati misolida)	232
24. Холикулова Шахноза Баймахаматовна ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИЛК КИМЁ КОРХОНАСИ ТАРИХИ	242
25. Холикулов Ахмад Баймахаматович ВОҲАСИ БЕКЛИКЛАРИНИНГ БУХОРО АМИРЛИГИ СИЁСИЙ ТАРИХИДА ТУТГАН ЎРНИ (XIX АСР ИККИНЧИ ЯРМИ – XX АСРНИНГ БОШЛАРИ)	252

26. Худойкуов Урал Каримович ЖАҲОН ОЗИҚ- ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИНИНГ УСТУВОРЛИГИ ВА РИМ ДЕКЛАРАЦИЯСИ	260
27. Юнусова Хуршида Эркиновна ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ ҲОЛАТИ ВА МУАММОЛАРИ (XX АСР 70-80 ЙИЛЛАРИ МИСОЛИДА)	268

Холикулова Ш. Б.

«Тарих» кафедраси доценти., PhD

Навоий давлат университети

kholikulova_sh@mail.ru**ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИЛК КИМЁ КОРХОНАСИ ТАРИХИ****АННОТАЦИЯ**

Муаллиф ушбу мақолада Ўзбекистон Республикасидаги илк “Шорсув Олтингугут” кимё корхонасининг қурилиш тарихи ва ундан қўзланган мақсад ҳамда вазифалар ҳақида сўз юритган. Мақолани ёритиш жараёнида Миллий архив фондларида сақланаётган айрим ҳужжатлар биринчи марта илм аҳли эътиборига ҳавола этилган. Муаллиф ўз фикрларини айнан шу ҳужжатлар асосида умумлаштирган.

Калит сўзлар: Шорсувкимё, олтингугут, иккинчи жаҳон уруши, ҳарбий ишлаб чиқариш, уч босқичли лойиҳа, чиқиндини қайта ишлаш, пахтачилик, Исфара-Шорсув темирйўли.

КИРИШ

Собиқ иттифоқ ўз ҳукмронлигини дастлабки йилларида империя даврида қурилган саноат корхоналарини ўрганиб, уларни имкониятлари билан танишишдан иш бошлади. Ер ости заҳираларини топиб ва уларнинг келажак стратегиясини яратди. Чунки саноатлаштиришнинг биринчи босқичида бу услуб самарадор эди. Ўзбекистонни саноатлаштириш албатта иттифоқнинг бош стратегик режасига – пахтачиликка йўналтирилди.

Ўзбекистонда илк асос солинган кимё корхонаси тарихини ўрганар эканмиз, юқоридаги фикримиз ўз далилини топади. Шу сабабдан ҳам, бу масалани ўрганиш бугунги кунда долзарб вазифалардан бири деб ҳисоблайман. Чунки, кимё корхоналарнинг тарихи рад этиб бўлмас далилларни ўзида сақлайди. Уларни қурилишидаги ўхшашликни, шошма-шошарлик ва мамлакатни пахта яккаҳокимлигини мустаҳкамлашга хизмат қилганлигини билишимиз мумкин. Аммо, бу корхоналар сабабли ўз навбатида шаҳар қурилиши ва кимё ишлаб чиқариш мамлакатда кенгайганлигини кўрамиз. Зеро, кимё корхоналари фаолияти доим долзарб бўлиб келмоқда, “Кимё саноатидаги мавжуд муаммоларни ҳал этиш, замонавий технологияларни жорий қилиш ва маҳсулот турларини кенгайтириш орқали экспорт салоҳиятини оширишимиз зарур”[1].– дейди Ўзбекистон Республикаси президенти Ш.Мирзиёев. Ушбу муаммоларни

иҷобий ҳолатга келтириш мақсадида Ўзбекистонни ривожланиш стратегияси доирасида қатор лойиҳалар ишлаб чиқилган ва амалга оширилмоқда.

ТАДҚИҚОТНИНГ АСОСИЙ НАТИЖАЛАРИ

СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг биринчи беш йиллик (1928—1932 йиллар) дастурини муҳокама қилган ВКП(б) XV съезди (1927 йил) Ўзбекистон ва бошқа миллий республикаларнинг иқтисодий соҳадаги «айирмачилик»ка интилишларини барҳам топтириш мақсадида хўжаликни қайта қуришга доир амалга ошириладиган барча ҳаракатлар «Иттифок эҳтиёжлари билан мустаҳкам боғлаб олиб борилиши» лозим, деб махсус таъкидлаб ўтди. Натижада марказнинг тазйиқи остида Ўзбекистон компартияси III съездида (1927 йил ноябрь) Ўзбекистон индустриал ривожланишининг истиқболларини белгилашга доир асосий қарашлар кескин ўзгартирилган ҳолда баён қилинди. Съезд қарорида аввалги қарорларга қарама-қарши ўлароқ, республиканинг иқтисодий юксалиши фақат «халқ хўжалик ҳаётини байналмилаллаштириш» умумиттифок жараёнида миллий иқтисодиётни Советлар Иттифоқининг халқ хўжалиги ва унинг бутун ижтимоий иқтисодий тузилиши билан «узвий боғлиқ» равишда амалга ошириш мумкин, деган фикр олға сурилди. Бундай боғлиқликнинг асосий моҳияти «ВКП(б) томонидан раҳбарлик қилиниши» ва иқтисодий ўзгаришлар «қатъий иттифок режасига мувофиқ» амалга оширилишидан, яъни империяча сценарий асосида ўтказилишидан иборат эди[2].

Тўғри, республика бутунлай аграр ўлкадан аграрсаноатлашган ўлкага айланиш борасида муҳим қадам қўйганлигини таъкидламаслик мумкин эмас. Масалан, агар 1927 йилда Ўзбекистон ҳудудида 191 та нисбатан йирикрок саноат корхоналари мавжуд бўлса, совет-герман уруши бошланиш вақтига келиб улар 1445 тага етди. Республика халқ хўжалиги умумий маҳсулотлари ҳажмида саноатнинг салмоғи 1940 йилга келиб қарийб 50%ни ташкил этди. Ана шу даврда Тошкент кишлок хўжалиги машинасозлиги заводи, Тошкент тўқимачилик комбинати, Фарғонадаги йиғирув тўқув фабрикаси, Чирчиқэлектр техника комбинати, Қўқон суперфосфат заводи ва бошқа корхоналар қурилди. Жанубий Ўзбекистон (Хаурдоғ ва Учқизил) янги конларидан нефть, Ангрендаги кўмир конларидан тошкўмир қазиб чиқарила бошлади. Олтингугурт ва тоғ мумига бой конлар очилди, мис, вольфрам, молибден, кўп металл маъданларнинг 38 та истиқболли қатламлари топилди[3].

Ўзбекистонда тегишли хом ашё манбалари бўлишига қарамай XX-асрнинг 30-йилларигача Кимё саноати деярли йўқ эди. 1910-йилларда оҳак куйдириш, ўсимлик бўёғи олиш, олтингугурт ишлаб чиқариш, ишқорий

моддалар тайёрлаш, совунгарлик билан шуғулланган бир қанча кичик корхоналар (12 совун заводи, нефтни ҳайдаш заводи, 2 бўёқ фабрикаси) бўлган[4].

Фарғона водийсида Шорсув деган жойда қадимдан олтингугут олинар эди. Бироқ, бу арзон ва сифатли чет эл олтингугути билан рақобат қила олмас эди. 1911 йил Россия олтингугут саноати, шу жумладан Шорсувдаги кон ҳам инкирозга учради[5].

Фарғона водийсининг жанубий қисми ва жанубдан туташган Олой тоғ тизмалари минерал ресурсларга бойлиги билан ажралиб туради. Бу ерда Ўрта Осиёнинг энг йирик кўмир конлари Шўроб, нефт, олтингугут, озокерит, селитра, симоб, сурма, фторит, асбест, триполи, алум, гипс, оҳактош ва бошқа қатор конлар бор. Фарғона водийси шимолида жойлашган Қамиш-Кўрғон туз конлари яқинлиги ва ҳудуднинг пахтачилик хусусиятлари кимёвий ишлаб чиқаришнинг ташкил этиш учун хомашёни қулай комбинациясини таъминлайди улар алоҳида давлат аҳамиятига моликдир[6].

Республиканинг замонавий кимё саноати тарихи Шорсув олтингугут кони 1932 йилда ишга туширилиши билан бошланади. Замонавий кимё саноатининг шаклланиши 1932 йилда қадимдан олтингугут қазиб олинган Шўрсув олтингугут кони (Фарғона водийси)нинг ишга туширилиши билан бошланди. Бу корхона собиқ СССРда ишлаб чиқариладиган олтингугутнинг 57% ини берган ва Иттифоқнинг олтингугут мустақиллигини таъминлашда муҳим рол ўйнади[7].

Иккинчи жаҳон уруши арафасида мамлакатда ишлаб турган ушбу заводни комплекс ҳолатига келтиришга эҳтиёж туғулди.

Шорсув бутун минтақанинг ишлаб чиқариш географик нуктаси бўлганлиги сабабли шу ном берилди. Чунки бу ер фойдали минералларга бой. Узоқ вақт (Россия империяси даврида, изоҳ: муаллифдан) бу ҳудуднинг ишлаб чиқариш имкониятларга эътибор берилмади. Бир хил соҳада алоҳида фаолият олиб борадиган корхоналар иш бошламади. Масалан, олтингугут ишлаб чиқаришда унинг чиқиндилари билан ишлайдиган тармоқлар тўлиқ ҳисобга олинмади. Яқин атрофда жойлашган нефт саноати корхоналари бошқа саноат корхоналари билан боғланмаган ҳолда ишлади. Ҳар йили бир хил чекланган ҳудудда маҳаллий хомашёдан фойдаланишнинг янги истиқболлари бутун минтақа манфаатларини ҳисобга олмаган ҳолда амалга оширилган. Шу сабаб Шорсув ҳудудида янги корхона ишга туширилишига эҳтиёж ортиб борди[8].

Собиқ иттифок раҳбарлари ўрганиб, шундай ечимга келдики: фақат бирлашган ишлаб чиқариш мажмуаси ғояси маҳаллий хомашёдан тўлиқ фойдаланишни таъминлайди. Жанубий Фарғонани пахтачилик

имкониятларидан тўлиқ фойдаланишга ёрдам беради. Ўрта Осиё республикалари, хусусан Ўзбекистоннинг асосий пахта вилояти бўлган Фарғона учун Шорсув саноат тизими қуйидагича ўрин тутди?

А) Ёқилғи-энергия ресурслари (нефть ва кўмир)дан унумли фойдаланиш

Б) пахта чиқиндилари асосида истеъмол товарлари ишлаб чиқариш

В) кончилик – кимё чиқиндилари ва қисман пахта ишлаб чиқариш чиқиндиларидан фойдаланган ҳолда қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқариш. Маҳсулотнинг 40% ни пахта маҳсулотлари ташкил қилади[9].

Архив маълумотларида заводнинг имконига шундай баҳо берилган: Комбинат Иттифоқнинг шарқий чегаралари учун кучли кимё муҳофаа базаси бўла олади. Бу янги қудратли база географик жойлашуви туфайли етиб бўлмайдиган тоғ тизмалари билан ҳимояланган. Бу корхонани ташкил этишда Ўрта Осиёнинг асосий пахта республикаси Ўзбекистон иқтисодиётининг энг муҳим тармоқларидан фойдаланиш ва минтақадаги алоҳида саноат тармоқларини оптимал бирлашма қилиш тамойилига эътибор берилди. Олтингугут, нефт, пахта дренажи, ош тузи, кўмир ўзининг ўта қимматли чиқиндилари ва бошқа кимёвий ресурслар комбинатнинг асосий схемасини ташкил қилади [10].

Заводнинг қурилиши учун уч босқичли вазифани бажариш лозим эди:

Биринчи босқичда илмий тадқиқотлар асосида ишлаб чиқарувчи корхонанинг қурилиш лойиҳаси яратиш.

Иккинчи босқичда яқка тартибдаги корхоналарнинг қурилиши уларнинг олдинги вақтга нисбатан самарасини кўриш. Бунда асосийси барча илмий-техник масалаларни якуний ҳал этиш ва учинчи босқичга тўлиқ тайёргарлик кўришдир.

Учинчи босқичда асосан қурилиш ишларини якунига етказилади.

Дастлабки режалар ва лойиҳаларга кўра, аниқроғи шартли равишда 1939 йилда завод қурилишини якунлаш лозим. Унга кўра, заводни саноатлаштириш 1933-йилдан тахминан 1935-йилгача давом этади. 1935-йилдан бошланиб 1937-йилнинг ўрталаригача яқка корхоналар бўйича тадқиқот ва лойиҳалаш ишларидаги янгиликлари якунланиши керак. 1937-йилдан 1939-йилгача ишлаб чиқарувчи заводларнинг қурилиши якунланиши режалаштирилди[11].

Илмий тадқиқотлар қуйидаги вазифаларга қаратилган эди: бир вақтнинг ўзида лаборатория, ҳам дала шароитида олиб бориладиган тадқиқот ишларини амалга ошириш лозим. Қурилиш ишлари бошланмасдан олдин аниқланиши керак бўлган жараёнлар: Органик нефтларнинг кимёвий таркибини тўлиқ ўрганиш; Шураб кўмир конларини илмий жиҳатдан таҳлил қилиш ва улардан самарали фойдаланиш имкониятларини аниқлаш; Шураб

кўмирларини қайта ишлаш бўйича яримсаноат даражасида, мумкин бўлмаса, лаборатория шароитида синовлар ўтказиш ва улардан керакли моддаларни олиш, бу моддалардан руда бойитиш жараёнида ҳамда цемент саноатида фойдаланиш имкониятини ўрганиш; чиқиндиларни умумий қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш бўйича тажриба ишларини йўлга қўйиш[12]. Джилла печхонасида сульфид (олтингугут) рудасидан фойдаланиш бўйича яримсаноат даражасида тажриба синовларини йўлга қўйиш; нефть газлари ва сувларини ўрганиш; Хайдаркон руда конларидан платина моддасини ажратиб олиш масалаларини тезкор ва кенг қамровли тарзда ўрганиш; ҳудудда техник ичимлик сувларини тадқиқ этиш; сув ресурсларини ҳар томонлама ўрганиш; Шорсув комбинати ҳудудида маршрутли ва топографик ишлар олиб бориш; метеорологик ва иқлимий кузатувларни амалга ошириш. Ушбу мутлақо кечиктириб бўлмайдиган вазифалар билан бир қаторда, комбинатнинг асосий конларида геология-қидирув ишлари ҳам амалга оширилиши керак. Жумладан, Камишқўрғон тузли ҳавзасининг йирик саноат ривожланиши истиқболларини аниқлаш зарур деб топилди[13].

Ушбу тадқиқотлар натижасида, бутун комбинат бўйича лойиҳа вазифасини тузиш учун мустаҳкам ва шубҳасиз асос бўла оладиган аниқ маълумотлар ишлаб чиқилиши керак. Бу маълумотлар комбинатни ташкил этишнинг шубҳасиз ва қатъий шаклини белгилаб бериши зарур[14].

Бутун комбинат бўйлаб олиб бориладиган илмий-тадқиқот ишлари 1936 йилдан кечикмасдан якунланиши лозим. Бу эса 1937 йилда барча лойиҳалар тайёр бўлиб, бутун қурилишни тўлиқ кенг кўламда бошлаш имконини бериши керак. 1933 йилда эса юқорида санаб ўтилган ташкилий ва илмий-тадқиқот ишлари билан бирга қурилиш саноатига тегишли корхоналар лойиҳалари ҳам ишлаб чиқилиши керак. Бу ишлар бутун қурилишни кенг кўламда бошлаш учун пойдевор бўлиб хизмат қилади. Қурилиш саноати корхоналарини ташкил этиш масштаби тўғридан-тўғри Шурсув–Исфара темир йўл тармоғини қуриш масаласи билан боғланиши керак. Умуман олганда, фақат шу темир йўл линиясини барпо этиш Шорсув комбинатини барча имкониятларидан фойдаланишга имкон беради [15].

Қурилишнинг биринчи босқичида Шураб ва Исфара ҳудудларида селитра конларини ўзлаштириш (ишлаб чиқаришни ташкил этиш)ни якунлаши лозим. Серна кислотаси (олтингугурт кислотаси) заводларини қуриш эса биринчи босқичнинг якунига қадар кенг кўламда йўлга қўйилиши керак. Бу айниқса шундан келиб чиқиб муҳим аҳамият касб этадики, агар шундай қилинмаса, Ўрта Осиёдаги олтингугурт саноати империя давридаги номақбул йўллар билан ривожланишда давом этади. Бу йўллар эса, аввал ҳам таъкидланганидек, мақбул деб ҳисобланмайди. Худди шу даврда, хлор

заводининг биринчи навбати қурилишини бошлаш ва тузсиз солё (тузли) саноатни ривожлантириш керак бўлади. Шунингдек, Кракинг-заводлар қурилиши ҳам ушбу босқичда якунланиши лозим. Сернокислотали ва сер заводларини қуриш эса, уларнинг амалга оширилишида муҳим босқични ташкил этади[16].

Умуман олганда Ўзбекистон миллий архиви фонд ҳужжатларида корхона имкониятларига қуйидагича баҳо берилган, Шорсув комбинати сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан Ўрта Осиё, айниқса Ўзбекистон учун қандай аҳамиятга эга бўлиши мумкинлигини қисқача таъкидлаш мумкин: Бу энг аввало шунда намоён бўладики, у, республика саноатини техник ва умумий иттифоқ ҳамда жаҳон даражасига яқинлаштирадиган жиддий бурилиш нуқтасини белгилайди. Иттифоқ бўйича Чирчиқазот ва Шорсув комбинати юқори техник даражадаги ишлаб чиқариш тармоқлари билан энг илғор корхоналардан бирига айланади. Комбинат техник жиҳатдан юксак даражада тузилган бўлиб, унинг асосий хусусиятларидан бири-чиқиндиларни қайта ишлаш ва фойдаланишни жорий этиш ҳисобланади[17].

Бундай ишлаб чиқариш характери ва даражаси Ўрта Осиёда юқори малакали илғор ишчи кучини шаклланишига кучли туртки беради.

Кўрсатилган сиёсий-иқтисодий ўзгариш асосан қуйидаги йўналишларда ўз ифодасини топади:

1. Ёқилғи таъминотидаги танқисликни камайтириш ва ёқилғи баланси ҳолатини яхшилаш. Бу баланс таркиби, кўмир ва нефт саноатидаги ютуқларга қарамай, Ўрта Осиёда сезиларли даражада яхшиланмаган.

2. Мавжуд нефть ва газ ресурсларидан энг самарали фойдаланиш.

3. Турли хил кенг истеъмол товарларига бўлган эҳтиёжни қондириш — бу замонавий ва илғор усуллар орқали амалга оширилади (масалан, пластмассалар, сунъий толалар ва ҳоказо).

4. Минерал ўғитларни ва қишлоқ хўжалиги хомашёсини комплекс равишда ишлатиш, шунингдек, шарт-шароитлар туфайли бошқа ҳолларда умуман тўғри ривожланиши мумкин бўлмаган қатор корхоналарни оқилона йўлга қўйиш ва уларни ривожлантириш масалаларини мақсадга мувофиқ ҳал этиш.

5. Асосан эса, комбинат Иттифоқнинг муҳофаа салоҳиятини мустаҳкамлайди ва зарурат туғилган тақдирда осон ва тез тарзда ҳарбий саноат эҳтиёжларига мос равишда қайта йўналтириш мумкин бўлган корхоналарни яратади. Бундай қайта ташкил этиш катта ҳаражат ва куч талаб этмайди ҳамда зарурият туғилса, Ўрта Осиёда йирик ҳарбий-саноат марказини барпо этишга хизмат қилади[18].

Республика кимё саноати иккинчи беш йилликда (1933-1937йй) ривожланиб борди. 1937 йилда ишлаб чиқарилган маҳсулот 1913 йилдагига караганда 12 баравар кўп эди. Аммо, кимё саноатининг жами маҳсулот ишлаб чиқаришдаги улуши 1940 йилда 0,8%, ишчиларнинг улуши эса, фақат 1% ташкил қилар эди. Республика саноат ишлаб чиқариш фондининг 7,4 % химия саноатининг ҳиссаси тўғри келди[19].

Юқорида кўрсатилган архив маълумотларида “Шорсув олтингугут кимё мажмуаси мукамал режа асосида қурилган” - деган хулосага келишимиз мумкин, лекин унинг технологиясида бир қатор камчиликлари ҳам бор эди. Қуйидаги архив маълумотларини фикримизнинг далили сифатида кўришимиз мумкин.

1960 – йилларда қайта таъмирланган Шорсув олтингугут конида қуйидаги ишлаб чиқариш йўналишлари қайта таъмирланди ва мавжуд конларнинг ўрни ўзгартирилди фойдали иш коэффенти оширилди.

1. Озокерит ишлаб чиқарувчи экстрация заводи йилига 1800 тонна маҳсулот ишлаб чиқарган. Кўшимча экстракторларни ўрнатиш (таъмирлаш ҳисобига) йилига 2600 тонна маҳсулот бера бошлади.

1966 йилга келиб, 1- босқич лойиҳа қуввати 3000 тонна бўлган экстрация заводи ишга туширилди. Заводнинг келажакда 5200 тонна ишлаб чиқариш қувватига эга бўлди.

2. Олтингугут бўлақларини майдалаш учун тегирмон эришилган қуввати йилига 30 минг тоннани ташкил этди.

3. Флотация заводи. Ўрнатилган рудани қайта ишлаш, қуввати 150 тоннани ташкил этди.

4. Озокерит карери. Юқори қатлам учун лойиҳа қуввати 2400 тонна, руда учун 165 тонна. Таъмирлашдан сўнг юқори қатлам учун 2150 тонна, руда учун 3000 тонна йилига кўтарилди.

5. Олтингугут кони, лойиҳа қуввати йилига 150 тонна рудани ташкил этади. Ишлаб чиқаришда 1850 рубл йўқотилган. 1966 йилга келиб, конни очиш ишлари олиб борилди. Унга кўра, 1 кв/мдан 470 м ҳажмда 1000 т. олтингугут олинади. Корхонага 105 минг рубл сотувдан йўқотилади. Биринчи чоракдан сўнг бу кон ёпилиб пастдан янги кон очилади.

6. Капитал қурилиш. Экстрация заводини 1965-1966 йилда қурилиб битказиш режалаштирилди, карер таъмирланиши режалаштирилди ва умумий қиймати 5865 минг рубл бўлган 12 та хонадон турар жой қурила бошланди[20].

ХУЛОСА

Юқоридаги фикрларимизга хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки, Биринчидан, Фарғона вилоятида жойлашган Шорсув олтингугут кимё заводи Россия империяси даврида мавжуд эди, аммо самарасизлиги сабаб ишлаб чиқариш жараёни тўхтаб қолган эди;

Иккинчидан, иккинчи жаҳон уруши арафасида Марказнинг кимё ишлаб чиқарувчи корхоналарга эҳтиёжи кенгайди;

Учунчидан, Фарғона Шорсув кимё комбинати табиий географик ўрни муҳофаази таъминлаб берар эди;

Тўртинчидан, ушбу Шорсув олтингугут кимё комбинати дейилган бўлсада, Жанубий Фарғонадаги минералларга ва рудаларга бой минтақада жойлашганлиги учун мажмуавий ишлаб чиқаришни таъминлаб берар эди;

Бешинчидан, тарихда биринчи марта пахта чиқиндиларидан фойдаланган ҳолатда маҳсулот ишлаб чиқарилганлиги айтилган;

Олтинчидан, 1930-йиллардаги лойиҳада кон қатламларияхши ўрганилмаганлиги сабабли, корхонанинг айрим цехларида фойдали иш коэффициенти юқори бўлмади;

Еттинчидан, корхонанинг қурилиши ҳудудга коммуникация олиб кирди. Шорсув–Исфара темир йўл тармоғи ва ишчилар яшаш қўрғонлари қурилди.

Саккизинчидан, мени назаримда энг муҳими ҳам аслида шуки, корхонани қурилиши сиёсий, ҳарбий ва иқтисодий мақсадларни ўзида жамлаштирди. Сабаби иккинчи жаҳон уруши арафасида қурилган бу бирлашма архив ҳужжатларига кўра, ҳеч қандай харжатларсиз ҳарбий ишлаб чиқаришга йўналтирилиши мумкин эди.

ФОЙДАЛАНГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Шавкат Мирзиёев кимё саноати фаолиятини танқид қилди. YouTube, 2018 йил. Қайд этилган: <https://www.youtube.com/watch?v=b2SQwv510qg>

2. Мустабид тузумнинг Ўзбекистон миллий-бойликларини талаш сиёсати: Тарих шохидлиги ва сабоқлари. – Тошкент: Шарқ, 2001. –Б. 192.

3. Мустабид тузумнинг Ўзбекистон миллий-бойликларини талаш сиёсати: Тарих шохидлиги ва сабоқлари. – Тошкент: Шарқ, 2001. –Б. 196.

4. Кимё саноати. <https://uztext.com/83188-text.html>

5. Азимов М. Салимова Э. Ўзбекистонда химия саноатининг ривожланиши ва ижтимоий ишлаб чиқаришни жадаллаштириш. – Тошкент: Ўзбекистон, 1986. – Б 7.

6. ЎзМА, Р-837-фонд, 32-рўйхат, 2225-иш, 23- варақ.

7. Kimyo sanoati. <https://uz.wikipedia.org/>

8. ЎзМА, Р-837-фонд, 32-рўйхат, 2225-иш, 24- варақ

9. ЎзМА, Р-837-фонд, 32-рўйхат, 2225-иш, 25- варақ.
10. ЎзМА, Р-837-фонд, 32-рўйхат, 2225-иш, 28- варақ.
11. ЎзМА, Р-837-фонд, 32-рўйхат, 2225-иш, 34- варақ.
12. ЎзМА, Р-837-фонд, 32-рўйхат, 2225-иш, 35- варақ.
13. ЎзМА, Р-837-фонд, 32-рўйхат, 2225-иш, 35- варақ.
14. ЎзМА, Р-837-фонд, 32-рўйхат, 2225-иш, 36- варақ.
15. ЎзМА, Р-837-фонд, 32-рўйхат, 2225-иш, 36- варақ.
16. ЎзМА, Р-837-фонд, 32-рўйхат, 2225-иш, 37- варақ.
17. ЎзМА, Р-837-фонд, 32-рўйхат, 2225-иш, 38- варақ.
18. ЎзМА, Р-837-фонд, 32-рўйхат, 2225-иш, 39- варақ.
19. Азимов М. Салимова Э. Ўзбекистонда химия саноатининг ривожланиши ва ижтимоий ишлаб чиқаришни жадаллаштириш. – Тошкент: Ўзбекистон, 1986. – Б 8.
20. ЎзМА, Р-2600-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 4-5 варақ.

Холикулова Ш. Б.

PhD., доцент

Навоийский государственный университет

kholikulova_sh@mail.ru

ИСТОРИЯ РАННЕГО ХИМИЧЕСКОГО ПРЕДПРИЯТИЯ УЗБЕКИСТАНА

АННОТАЦИЯ

В данной статье автор исследовал историю строительства первого химического предприятия в Республике Узбекистан «Шорсув Олтингугут», а также охарактеризовал его цели и задачи. В процессе подготовки статьи вниманию ученых впервые были представлены некоторые документы, хранящиеся в фондах Национального архива. Автор обобщил свои мысли на основе этих документов.

Ключевые слова: Шорсувкимё, олтингугут, Вторая мировая война, военное производство, трехэтапный проект, переработка отходов, хлопководство, железная дорога Исфара-Шорсув.

Kholikulova Sh. B.

PhD., associate professor

Navoi state university

kholikulova_sh@mail.ru

HISTORY OF EARLY CHEMICAL ENTERPRISE IN UZBEKISTAN

ABSTRACT

In this article, the author examined the history of the construction of the first chemical plant in the Republic of Uzbekistan, Shorsuv Oltingut, and also described its goals and objectives. In the process of preparing the article, some documents stored in the funds of the National Archive were presented to the attention of scientists for the first time. The author summarized his thoughts on the basis of these documents.

Keywords: Shorsuvkimyo, oltingut, The second world war, military production, three-stage project, waste recycling, cotton growing, Isfara-Shorsuv railway.